



РЕСПУБЛИКА ГАЗ ТАЪМИНОТИНИ БОШҚАРИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Боши 1-бетда)

11. Иқтисодий вазирлиги, "Узоқмунозимат" агентлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой мuddатда 2005 йилгача бўлган даврда газ хисоблагичлар учун бир марта фойдаланиладиган пломбаларни олиб келиш, шу ернинг ўзиде таъбирлаш ва ҳамма жойда, биринчи навбатда Тошкент шаҳрида ўрнатилиш бўйича тадбирларни ишлаб чиқинлар.

ловдан ўтказсин, унинг натижалари бўйича газдан ноқонуний фойдаланиш ҳолларининг олди олинишини таъминласин, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий вазирлиги, Молия вазирлиги, "Ўзбекнефгаз" миллий холдинг компанияси билан биргаликда газ тармоқларини тиклаш ва таъмирлашнинг аниқ дастурини ишлаб чиқсин.

13. "Ўзбекнефгаз" миллий холдинг компанияси: "Узоқмунозимат" агентлиги билан биргаликда Худудий газ таъминоти корхоналари балансидаги газ узатиш тармоқларига техник хизмат кўрсатиш, уларнинг техник ҳолатини текшириш ва уларни таъмирлаш тўғрисидаги Низомни бир ой мuddатда ишлаб чиқсин ва тасдиқласин, мазкур ишларни амалга ошириш учун махсус корхона ажратсин;

14. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳар йили давлат бюджетини ишлаб чиқиб ва тасдиқлашда улгуржи истеъмолчилар ва аҳоли учун табиий газга тарифлардаги фарқларни босқичма-босқич, изчил қисқартириб боришни назарда тутсин.

10 январдаги 8-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси истеъмолчиларига газ етказиб бериш қондаларига, шунингдек Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 21 сентябрдаги 439-сон қарорига 4 ва 5-иловаларга мувофиқ табиий газ учун ҳақ тўлашнинг имтиёзли шартлари белгиланган табиий газ истеъмолчиларига рўйхатларига ўзгартириш ва қўшимчалар юзасидан Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсинлар;

ҚИШЛОҚЛАР ҚИЁФАСИ - ЮРТИМИЗ ЖАМОЛИ

(Боши 1-бетда)

Хўжалик раҳбари Фармон ака Етқиров ободончилик ишларининг асосини қишлоқлар аҳолисининг қурилиш ишлариде бамаслаҳат иш қўраётганида, меҳнат аҳлининг ҳаммисе фойда қўриб ишлаётганида, деб билади.

Дарҳақиқат, интизомда, кенгашида, режаларни ўринлатиб мўмай даромад қўришда гап қўп. Туркистонликлар ўтган йилни 239 миллион сўм даромад, 64 миллион сўм фойда билан қўнунладилар. Қўнлар тўй қилди, машина олди, ёш оилалар эса виллат архитектура ва шаҳарсозлик бош бошқармисе тавсия этган 2, 3, 4 ҳамда 5 хонали уйлар учун намуна лойиҳалари асосида имкониятларига эмас, эҳтиёжларига қараб уй-жой тикладилар.

Уқтам ҚУРБОНОВ, "Қишлоқ ҳаёти" муҳбири.



ЛОҚАЙДЛИК УЧУН ЖАЗО

Дам олиш кунисе эди. Бозорга чиқдим ва тасодифан баҳамалик Иқром исмили танишимни учратиб қолдим. Ҳол-аҳвол сўрашдик. Ичи дардга тўлиб кетган экан. Дарҳол "ёрилди":

"Нимасини айтмай, ука. Мана бир неча йилдирки оиламни боқиб учун мардикорликка чиқмакан. Пул топсам болаларимга озик-овқат сотиб олиш учун уйга шошаман. Кейин яна иш ахтариб "итдай" дайдишман. Мундоқ уйлаб қарасам, шу кўйига тушишимга ўзим айбдорман.

"Айбонгисе нима ўзи? - сўрайман ундан. - Билангисе, - кўлидаги саргайиб кетган қозғога ўралган тамакинни торта-торта гап бошлади у. - Илгари қишлоғимиздаги фермада ветврач эдим. Тоғиш-тутишим аҳли эди. Мол-хонамизга Иzzат бошлик бўлиб келди-ю хайр-барока қўтарилди. У аввал бузоқларни сота бошлади. Индамизди. Кейин эса сигирларни сотиб, чўнтақ қаппайтирди. тилимизни тишладик. Сўқимларни уйига олиб кетди, кўрмасликка олдик. Фермане бузиб, шиферу тахталарни сотди, билмасликка олдик.

Нима бўлганда ҳам ўзбеклигимизга бордик, "Хай, барока толгур, нафсингни тий", дёғламдик. Кўз олдимизда юз берётган ўғирликка ёрдам берган пайларимиз ҳам бўлди. Шахсан ўзим фермане бузишда бошқалар қатори иштирок этганим алам қилади. Лоқайдликимиз, кўрқокликимиз бошимизга етди. Тезда ферма тугаб, ишисе қолдик. Кўннинг ҳақи Иzzатни ҳам "тешиб" чиқди. Яқинда аварияга учраб, шол бўлиб қолди. Бизга ҳам аталган жазо бор экан, унинг оти - мардикорлик. Ана шу жазони ўтаб юрибман, ука.

Иқром акани мардикор бозорига кузатиб боришимни айтдим, аммо у унамади. - У ернинг юзини тескари қилсин, борманг ҳам, кўрманг ҳам, - дея бошини ҳам қилганча жўнаб кетди.

Фахриддин КАЛОНОВ

"БИРОВНИКИ БУЮРМАДИ"

Мухсин қишлоқнинг номдор чўпонларидан эди, - дея гурунга қўшилди Қаландар бобо. - Қишлоқдагилар қўнларини фақат унганга боқдирарди. Чўнки у кўй парвариш қилишни беш қўлидек яхши биларди-да! Уша йили Мухсин эрта баҳордан отарга чиқди. Унинг таърифини эшитган қўшни қишлоқлик Кумри буви ҳам бисотидаги икки қўйини Мухсин чўпоннинг сурувига қўшди. "Кўй қирқим" да қўнларининг обдон етилиб кетганини кўриб, "яхши боқса буларкан-ку?" - дея ич-ичидан севинди.

Саид РАҲМОНОВ

Тошкент вилояти ҳокимлигида "Энг обод маҳалла" республика кўрик-танловининг Истиклолимизнинг 12 йиллигига ва Конституция кўнига бағишланган босқичининг Тошкент вилоятида амалга оширилиши бўйича анжуман ўтказилди.

"ЭНГ ОБОД МАҲАЛЛА" КЎРИК-ТАНЛОВИ

Кўрик-танлов Қорақалпоғистон республикаси, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги маҳаллалар ўртасида уч босқичда ўтказилмоқда. Биринчи босқич миллий байрамимиз Наврўзга, иккинчи босқич Бутунжаҳон атраф-муҳит кўнига ва учинчи босқич Истиклолимиз байрами ва Конституциямиз кўнига бағишлаб ўтказилаётир. Ушбу босқичларда Зағзиота ва Қибрай туманларидеги маҳаллалар биринчи ўринни қўлга киритишди. Кўрик-танловнинг учинчи босқичини ўтказиш доирасида вилоятнинг нуфузини янада ошириш, республикамизнинг ижтимоий-иқтисодий, маънавий ва маърифий соҳаларида барчага ўнқаб бўладиган ижобий тажрибаларни ривожлантириш борасида қилиниши лозим бўлган вазифалар белгилаб олинди.

"Туркистон-пресс"



Оққўргон туманидаги "Оққўргонтомат" масъулияти чекланган жамияти ишга туширилиши муносабати билан тумандаги 100 нафар аҳоли иш билан таъминланди. Кўнига 4,5 тонна томат ишлаб чиқариш қўвватига эга мазкур корхонанинг маҳсулотлари нафақат юртимизда, балки хорижда ҳам харидорғир. СУРАТДА: ишчилар Барчиной Аскароева билан Дилдора Урмонова. Нозим УЛМАҚОВ олган сурат.

ҲАМКОРЛИК МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Ўзбекистон Хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданият-маърифий алоқалар жамиятлари кенгашида Хитой Халқ Республикаси Го Жою уй-музейи директори Го Пиньин хоним билан учрашув ўтказилди. Учрашувда Хитой Халқ Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси ходимлари, "Ўзбекистон-Хитой" дўстлик жамиятининг аъзолари ва Тошкент шаҳар хотин-қизлар кўмитаси мутасаддилари иштирок эттишди.

Учрашувни ўтказишдан мақсад хорижий аёллар шўъбаси фаолиятини янада ривожлантириш, дунё хотин-қизларини Ўзбекистонга яқинлаштириш, шу орқали ўзбек халқи маданияти, санъати, урф-одати, қадимий ва миллий маросимларини чет эл жамоаларига танитиш ва хорижий дўгоналар сафини кенгайтиришдан иборат эди.

ЖИГИЛДОН ТАШВИШИ

Олиб борилган текширишда маълум бўлдики, шунча миқдордаги товар-моддий бойликларни у Қозғоғистон Республикасидан боқжона назоратидан четда бўлган айланма йўллар орқали ноқонуний равишда Ўзбекистонга олиб кирган. Жигилдон ташвишида қонунга бўйсунмаган Т.Мелдабеков терговчи қаршисида қилмиши учун пушаймон бўлиб жавоб беришига тўғри келди.

Шерзод ЗУЛФИЕВ, Тошкент вилояти прокуратураси умумий назорат бўлими бошлиғи, адлия кичик маслаҳатчиси.

ЎЗ УЙИНИНГДАН ЧИҚМАСИН ЎҒРИ

Айни дамда қайси деҳқонни изласангисе уни дала бошидан топасиз. Йил бўйи қилган меҳнатининг самараси - пахта ҳосилини йиғиб олиш илинжида. Фурат эса кутиб турмайди. Пахтакор бугунги ҳар бир дақиқадан оқилона фойдаланма, эртага кеч бўлади. У етиштирган маҳсулот нафақат ўзининг, балки юртдошларининг ҳам турмушини фаровон қилишини яхши билади-да.

ТААССУФ

Бўлди экан?! Сабаби аниқ. У ҳам бўлса шахсий манфаатининг устунлиғидир. Бу эса уларга ортак ташвиш тугдирини шубҳадиган, ёнқи ўз манфаатини халқ манфаатидан устун қўйдиган кишилар ҳам ўқин эмас. Ана шундай қимсалар сирасига наманганлик Н.Деҳқонбоев, фарғоналик Э.Иброҳимов, жиэзахлик Т.Сафаровларни киритиш мумкин. Улар юртимизда етиштирилган пахта ҳосилини қўшни давлатларга олиб чиқиб кетаётган қишлоқларда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идора ҳодимлари томонидан қўлга олинди. Шу тобда уйга толасан киши. Буларнинг пахта ҳосилини талон-торож қилмишга, шу туйфаили ноқонуний йўлларга бош суқилариға нима сабаб қолинди. Шундай тадбирлар натижасида 14 та ҳолат аниқланган. Натижада қонунбузарлардан умумий қиймати 312,3 минг сўмлик 2,3 тоннадан зиёд четга олиб чиқиб кетилаётган пахта ҳам ашёсиз ушлаб қолинди. Аниқланган ҳолатлардан 8 таси маъмурий тартибда чора қўриш учун суд идораларига юборилган. Қолган 6 та иш бўйича эса суриштирув олиб борилмоқда.

С.РАҲМОНОВ, Д.УЛУМУРДОВ.



Қунага 80 тонна ун ишлаб чиқариш қўвватига эга бўлган Нукус ун заводининг эришавган ютуқларида бош технолог Янгибой Муродовнинг хизмати беқиёс. У заводнинг илк фаолиятдан то шу кунгача шу ерда ишлаб, ёшларга ўз касбининг нозик сирларини ўргатиб келмоқда. СУРАТДА: Янгибой Муродов (чапдан ўнганга), ишчи Марат Бойжаронов, раис ўринбосари Собир Аскароевлар билан маҳсулот сифатини кўздан кечиришмоқда. Нурмамат АЛМУРОДОВ олган сурат.

ИЗЛАНИШ
МИРЗАЧЎЛ
БАҲОДИРИ

Шароф Рашидов туманидаги "Қорабод" фермер хўжалиги жорий йилда 40 гектарлик пахтазордан мўл ҳосил кўтармоқчи...

Бўри дахшати ириллайди. Ҳамма кўрқувда. Вужудларни титроқ босган. Бўри қаёққа чапади? Кимга ташланади? Наҳотки, рўпарада дахшати фожиа? Бўри "Ҳайвонот боғи"даги... қафасларни оралаб, улардаги жониворларга гажигудай тўхтаб-тўхтаб, қарайди...

(Боши 1-бетда) Бўри дахшати ириллайди. Ҳамма кўрқувда. Вужудларни титроқ босган. Бўри қаёққа чапади? Кимга ташланади? Наҳотки, рўпарада дахшати фожиа? Бўри "Ҳайвонот боғи"даги... қафасларни оралаб, улардаги жониворларга гажигудай тўхтаб-тўхтаб, қарайди...

Уйғун қарайман: -Кейин нима бўлди? Бўри "Ҳайвонот боғи"дан чиққанча кетдимми? Ахир бир томонда шаҳар-ку?... -Йўқ... келди. Ярим кечаси... безовта бўб юривдим. Шу кеча хеч қандай ўйку бўлмади. Бир пайт... қарасам... ўзи ётадиган сым тўр "хона"нинг эшиги ёнида мунгайибгина турибди. Кўпайлаш "хона"сига киритдик...

Янги лойиҳа Ўзбекистон ҳукумати ва Осий тараққиёт банки тадқиқий гуруҳи ўртасида имзоланган битимга мувофиқ Қорақалпоғистонда лизинг бўйича 2,5 миллион доллар миқдордаги лойиҳани амалга ошириш бошланди...

қатсиз жониворларга шафқатсиз бўлмасангиз, уларни "урмон"да ушлаб туриб бўлмайдиган, деган маънода айтиди. "Ҳайвонот боғи"да юриб ўйладим, баъзан дунё ўрмонга ўхшади. Баъзан жаннатга... дўзахга... баъзан ноёб мўъжизага...

"ҲАЙВОНОТ БОҒИ"ДАГИ...
БЎРИ ВА МАЙМУН...

-Бу Кумой... Калхат... Йирткич! Улакшаур... захарни ҳам ҳазм қилади... Кўзлари оч... Тумшуги кўркинчи... Қараганим сари мени ваҳима босарди. Анча баландда. Ҳозир ташланаб, ўткир тирноқлари билан эзгилайдигандай. Сесканасиз. Оғир ўй қонига тортади...

-Ха... мана, бораялман... Бу томонда йулбарслар... урғочи "Линда", эркак "Дик". Салобат билан чиқибди. Кейин шер. Номи "Симбо". 9 ёшда экан. 40 ёшгача яшаркан. "Симбо" ёлғиз... "Келин" излаямиз. Муносиб "келин" топилмапти... - дейди хамроҳим ҳазил қилиб. "Урмон" директори Чори Сатторовнинг айтишича, ўн йил олдин дахшат бўлибди... Хиндистон фили... Жуда улкан. Ярим тун. Ҳамма уйқуда. Фил кучли...

тортинади. Занжир узилади. Жойдан чиқади. Бесўнақай бу жонивор йулбарслар турган икки катта қафас ораллигига тикилиб қолади. Олдинга йўл йўқ. Бурилолмайдиган ҳам. Фил бутун гавдаси билан йулбарсларнинг темир қафасини майштириб, эшигини очиб юборади. Бахайбат ва йирткич икки йулбарс "Ҳайвонот боғи" йўлига чиқади. Ҳамма оёққа туради. Коронгу. Йулбарсга қиминг кучи етади? Фил тунда йўрққа юрармиди? Ёнгинасида яна қанча йирткичларнинг темир қафаслари. Ваҳшийлар ҳам жунбўшда. Фил ёв...

войилик қилиб ёки қафасдан чиққан йулбарслар ташланиб, бошқа йирткичлар ҳам чиқиб кетса-чи? Хар неча "урмон"да, тунда... ўлим ва кўрқув шарпаси юрарди. Уйғунжон кўрқмади. Эҳтимол, у ўзи билмагани ҳолда бўри ўлимдан қолгандир. У қафаслар устидан бориб, фили ўз жойига олди. Оловлар ёқишиб... йулбарсларни бўш қафасга киритишди. "Урмон" ходимларига қойил қолдим. "Ҳайвонот боғи" кўркам ва жозибали. Аммо унинг бағрида қанча фожиялар, кўрқув ва ваҳималар сым тўр ичида ваҳмин ва жим ётишибди. Ҳаётда-да шундай. Хушёр ва оғоҳ бўлмасангиз... Айтдилар-ку "фалокат оёқ остида" деб.

"Урмон"дан чиқдим. Рўпарада ҳаёт. Термиз кўчаси... Йигитлар - мисоли шерлар... Қизлар товусдай товланмади. Ногоҳон... бўйчан жувон... калта, устига-устак тор юбка, елкалар очик... ярим яланғоч дейсиз... "Ҳайвонот боғи"даги маймон кўз олдимга келди... Ҳаёт ҳам "урмон"га ўхшади. Ҳаётда ҳам бўлбулар бор, кўзгунлар бор... Лочинлар, илонлар, тўтилар, айıklar... Аллома шоир Расул Ҳамзатовнинг сўзини эсланг: "Энг аввало одам пайдо бўлган. Кейин баъзилари лойида, баъзилари бургутга айланган кетган" дейдилар... Ҳаётни чуқурроқ аниқлаб десангиз, гоҳида "ҳайвонот боғи"га кириб туринг.

Менгюр ОЛЛОМУРОД, "Қишлоқ ҳаёти" муҳбири.



ТЕРРОРЧИГА ҲУҚМ ЎҚИЛДИ

Индонезия Олий суди Бали оролидаги терактни содир этганда айбланган Али Гуфронни энг олий жазо - ўлимга ҳукм этди, дея хабар бериди НТВ телекомпанияси.



Едингизда бўлса, бундан роса бир йил муқаддам содир этилган бу фожиа оқибатида 200 дан орტიқ бегуноҳ кишилар қурбон бўлишган. Теракт шахарнинг энг гажув жойи - дискотека клуби яқинида уюштирилиши туфайли вафот этганларнинг аксариятини ёшлар ташкил қилган. Али Гуфрон мазкур ҳукм юзасидан ўзини оқлаш учун ҳеч нарса демаган. Бироқ унинг адвокатлари суд ҳукми устидан апелляцияга мурожаат қилиш ниятида.

ОЛТОЙДА ЗИЛЗИЛА

Россия Федерациясининг Олтой ўлкасида кучли ер силкинишлари юз берди. НТВ таркатган маълумотларга қараганда, унинг қуввати зилзила маркази - Кўш Еғор районда 8,7 баллга етган. Зилзила оқибатида 1800 киши уйсиз қолди, 2 мингдан ортиқ турар-жой бинолари, 25 мактаб ва 16 та касалхона жиддий талафот кўрган. Аҳолини алоқа ва электр энергияси билан таъминлаш борасида ҳам узилишлар юзга келган.



ТЕРАКТНИНГ ОЛДИ ОЛИНДИ

Яман пойтахти Ал-Сано шаҳрида АҚШ, Германия ва Буюк Британия давлатлари элчихоналарини портлатишга бўлган уришни маҳаллий полиция томонидан бартараф этилди.



Таркатилган маълумотларга қараганда, сохта номер илби қўйилган қимматбаҳо русумдаги автомобиллар портловчи модда билан тўлдирилди. Элчихоналар олдига қўйиб кетилган. Полиция вакилининг хушёрлиги туфайли катта қурбониларга олиб келиши муқаррар бўлган терактнинг олди олинди. Таҳмин қилинишича, мазкур жиноятни ўзларини "Ал-Қоида"нинг стратегик кўришиши, деб атайдиган "Қоида-жиход" экстремистик гуруҳи ташкиллаштирган. Уларнинг бош мақсади - сионизмга қарши кураш ҳамда АҚШнинг "салб юришлари"га нисбатан террор билан жавоб қайтаришдир, дея хабар қилади Arab News агентлиги.

ШАЙХ ҚЎЛГА ТУШДИ

Исроил армиясининг Женидаги қочқорлар лагерига уюштирган навбатдаги ҳарбий операцияси чоғида "Исом жиҳоди" экстремистик ташкилотининг говий раҳбарларидан бири шайх Аб-Саад ҳибсга олинган.

43 ёшли Аб-Саад 2000 йилнинг сентябрида Женин шаҳридаги ҳарбий лагерда қамқабдилари тайёрлаб, террорга юборилганда айбланиб, қидирувга берилган. Унинг қўл остидагилар Исроил ва Фаластин ҳудудларидаги бир неча биноларнинг портлатилиб, мингдан ортиқ кишиларнинг бевакт ўлимида айбланган эди. "Шайх Аб-Сааднинг қўлга олиниши ташкилотга қаттиқ зарба бўлиб тушди, бироқ биз ортига чекинмаймиз, чунки Аб-Саад бу - ташкилот эмас", дея интервью берган "Исом жиҳоди" экстремистик ташкилотининг расмий вакили Нафез Азам. Унинг айтишича, исроилликлар томонидан уюштирилган яна бир ҳарбий операция чоғида ташкилотнинг фаол аъзоси Мазен Бадави ҳам ўлдирилган.

НОБЕЛ СОҲИБЛАРИ

Кеча Стокгольмда Швеция академиясининг 18 вакили адабиёт йўналиши бўйича Нобел мукофотининг 2003 йил соҳибини аниқлаб беришди.



Маълумки, бутун дунё миқёсида берилувчи ушбу мукофотга ўтган йили венгёр ёзувчиси Имре Кертес мушарраф бўлган эди. Унинг Шахс ва нацистлар лагеридagi муносабатга бағишланган асари Нобелга лойиқ, деб топилган. Физиология ва медицина соҳаси бўйича 6 октябрда, физика йўналиши бўйича 7 октябрда, химия ва иқтисодиёт йўналиши бўйича 8 октябрда Нобел соҳибларининг номи аниқланади. Нобел мукофотини топишириш маросими эса 10 декабрда Осло шаҳрида ўтказилади. Таъқидламоқ керакки, мазкур маросим ўз тарихи бўйича 102-маротабадир.

ГЎЗАЛЛИК МАЛИКАСИ ТУРМАДА

Перулик Нейда Аоста чинакам гўзаллики ҳеч нима билан яшириб бўлмаганини яна бир бор исботлади.



У айна кунларда наркотик олди-сотдиши бўйича жазо муддатини ўтаётганига қарамастан, Ли-мада ўтказилган бутунжаҳон гўзаллик конкурсида иштирок этди ҳамда фахрли биринчи ўринни эгаллади. Қизнинг айтишича, конкурсда қатнашишдан мақсад гала-ба қозониш эмасди. У яқинлари билан қўришиш ва оз муддатга бўлса-да, ўзини эркин ҳис қилиш учун мусобақаларда иштирок этган эди. Қўриб турибсизки, гўзаллики хатто панжара ҳам тутиб туролмади. Бироқ, сиз агар Нейда Аоста жазони ўташдан овоз қилинчи, деб ўйла-сангиз адашсангиз, у хали-ҳануз маҳбус, фақатгина унинг сallaфларидан бир фарқи бор: У - Гўзаллик Маликаси.

ИНТЕРНЕТ хабарлари асосида тайёрланди.

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани "Чорсу-буёмбозори" департаменти томонидан 2003 йил 7 январда Ходиева Аҳида Мирғазиевона берилган № 608 ББ № 002007-рақамли савдо гувоҳнома (лицензия) йўқолганлиги сабабли бекор қилинди.

Тошкент шаҳар С.Раҳимов туман давлат солиқ инспекцияси томонидан Ходиева Аҳида Мирғазиевона 05.06.2003 йилда берилган № 154 рақамли (МИН 447783629) товар операцияларини ҳисобга олиш қотиби ва № 13701-13750 рақамли чек дафтари-раси йўқолганлиги сабабли бекор қилинди.

Тошкент шаҳар С.Раҳимов туман давлат солиқ инспекцияси томонидан Ходиева Аҳида Мирғазиевона 04.02.2003 йилда берилган № 154 рақамли (МИН 447783629) товар операцияларини ҳисобга олиш қотиби ва № 13701-13750 рақамли чек дафтари-раси йўқолганлиги сабабли бекор қилинди.

Тошкент шаҳар Чилонзор тумани ДСИ томонидан Шамаҳмудова Сумбула Баҳромовна берилган у/б № 217 рақамли даромадлар ва товар операцияларини ҳисобга олиш дафтари ҳамда АА 24601-АА 24650; АА 564751-АА 564800; АА 564901-564950 гача бўлган чек дафтари-раси йўқолганлиги сабабли бекор қилинди.

УЙҒОҚ ЮРТ ҚАЛБИ

(Боши 1-бетда) Вазирилар Маҳкамасининг "2003 йил пахта ҳосилини йиғиштириб олишнинг ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига қўра қўлда терилган бир килограмм пахта учун 31 сумдан пул тўлаиши аҳоли учун қўшимча даромад манбаи бўлади. Бу теримчилар қўлига мавсум давомида салкам бир миллиард сум нақд пул тегади, деганидир. Пахта қадри... Сермашақат меҳнат, меҳр-муҳаббат билан топилган қадр. Шу сабаб элни ҳам едирадиган, ҳам кийдирадиган, ҳазинани бой-бадавлат қиладиган, халқ дастур-охини тўкин-сочин этадиган пахта-миз хирмони бу йил янада тошсин. Дехқонларимиз кўкси баланд, юзи ёруқ бўлсин, деб уларга ушбу шеър-ий сатрларда тилак билдирамиз.

Шону қудратингдан уйғоқ юрт қалби, Келажаги буюқ овоз замонинг. Сен тахт тилаган эл - хур мамлакатдир, Жон фидо қилганинг Ватан-давлатдир. Карвонинг манзили абдиатдир, Бошинга кўнган қуш - овоз давронинг. Қадим Осийда хур қорақалпоқ, Мангит тонги отиб, Буй тиклар Кипчоқ. Туркий боболардан бир азиз урпоқ, Аму бўйи қадим ота маконинг. Алп йигитлар юртнинг қалқон-қояси, Барчиной қизларинг авлод онаси. Беш чанок пахтаингиз ҳар бир хонаси, Файзу барақали бой хонадонинг.

Пахтаинг бахтинг бўлиб дунёни кезар, Тупроқ сениқидир, сениқидир зар. Умринг Одам ўглин умрини безар, Дала, эгат, кетмон-жону жаҳонинг. Гоҳ тошар, гоҳида қайтади Дарё, Кузнинг барақаси - меҳнатдан зиё. Излайсан ҳар баҳор, ҳар ёздан маъно, Топганларинг ҳар йил тоза армонинг. Гулистон дер, элда улуг эъозлим, Она Ер меҳрига йўрилган жонинг. У огриси мингта жон бўлиб сени, Кўзларида асрар Ўзбекистонинг. Гулистон МАТЁКУБОВА

МАРДОНА МАРДИМ Ассалом, дехқоним, мардона мардим, Она Ер меҳрига йўрилган жонинг.

Билиб қўйган яхши Абу Али ибн Сино шолғомнинг ўртасини ўйиб, ичига мум ва гулмол солиб кўрда кўнган ва у билан тери касалликларини, совуддан пайдо бўлган яра ва ёрилишларни даволаган. Қайнатиб пиширилган шолғомни эса кўкрак қафаси ва томоқни юмшатишда ишлатган. Шолғомни гўшт билан қайнатиб истеъмол этилса, кишига мадор, кўзга фойда берган.

ШОЛҒОМ Халқ табибатида шолғомдан ўпка, нафас бўлини касалликлариди, иситма кўтарилиб, юрак безовта бўлинида фойдаланган. Унда пешоб ҳайдаш, жароҳатларни тузатиш ва антисептик, оғриқ қолдирувчи хусусиятлар ҳам мажбур Шолғомнинг қайнатиб пиширилган ҳамда унинг шарбати бронхит астма, кўксон касаллигида қаттиқ йўтал пайдо бўлганда, ўткир ларингитда, шамоллаш натижасида овоз йўқолганда, уйқусизликда фойда беради. Уйда 2 ош қошиқ майдаланган шолғом устига 1 стакан қайноқ сув солиб, 15 дақиқа қайнатилди ва ундан чорак стакан ичиб туриш ўта фойдалидир. Бундай малҳамани бир стакан уйқу олдиндан ичиш, тинчлатирувчи дори вази-фасини ўтади. У билан гаргарга қилинса, томоқ ва тиш оғриқларига даво бўлади. Пиширилган шолғом фўққисини подага билан касалланган жойларга борлаб қўйилса, икко-бий натижа беради. Ўзбекистон шароитида шолғомнинг "Наманган" ва "Самарқанд" навлари кўп экилади. Х.МАҲАМОВА тайёрлади.

МАМЛАКАТДА БИРИНЧИ

Избоскан туманидаги Абдусамат Тиллабоев номли ширкат хўжалиги дехқонлари мамлакатимизда биринчи бўлиб пахта тайёрлаш бўйича шартномавий режасини 14 иш кунда утдалашди. Мавжуд 779 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 32,7 центнердан жами 2547 тонна юқори навли пахта хомашеси қабул манзилга топширилди. Энг муҳими, иш ҳақи эвазига 78 миллион 447 миң сум пул тарови бошида тарқатилди.

Жамоа етакчиси Алишер Тиллабоевнинг айтишича, ҳаде-мий ҳосил-нерга, яғли БУГУННИНГ ГАПИ доғлик 50 центнерга, яғли 3895 тонна-га етади. Янада аниқроқ қилиб айтсақ режага қўшимча тайёрлангани пахта миқдори 1348 тоннадан ошади. 30 сентябр кўни Мархамат туманидаги Охунбоев номли ширкат хўжалиги пахтакорлари ҳам дастлабки довонни эгаллашди. Ҳар гектар ердан 16,5 центнердан, жами 412 тонна ҳосил йиғиб-териб олинди. Ҳосилдорлик пастроқми дерсиз? Ёринг аҳоли шунга яраша-да. Ғуза парварши қилинган 249 гектарлик дала адирлар ораллигида бўлиб, сув пахтазорга насослар ёрдамида келтирилади. Айна чоғда дехқонларнинг мақсадлари қутлуг. Мавсум якунигача яна даладан 188 тонна пахта териб олинади. Бу қўшимча фойда кўриш деганидир. К.АСҚАРОВ, "Қишлоқ ҳаёти" муҳбири.

Мирзаҷўл туманидаги фермер Уктам Абдурахмонов 32 гектарлик пахтазорни дефолиация қилиш ишларини барвақт тугаллади. Наҳада ғўза барглари бир текис тўкилиб, пахта қўйғос очилди. Шу боис фермер пахта теримга киришди. СУРАТДА: фермер Уктам Абдурахмонов ва мутахассис Турдикул Искандаров ўзаро маслаҳатлашишмоқда. Б.АҚРАМОВ олган сурат.

Тадбиркорлик ва кичик ҳамда ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш учун "Узўйжамгармабанк" ва унинг жойлардаги филиаллари бир қатор ишларни олиб боришмоқда. Айниса, аҳолининг бўш пул маблағларини омонат турларига жалб қилиш улар эътиборида турибди.

КРЕДИТ ҲИСОБИДАН МУЗҚАЙМОҚ ЦЕХИ

Ҳозирда 405 нафар миқозга хизмат кўрсатаётган бўлса, шундан 200 нафарга яқини кичик ва ўрта бизнес билан шугулланувчилардир. Мақсадимиз улар ишончини оқлаш, ўз вақтида ёрдам кўрсатиш, келгусида миқозлар сонини янада кўтаришдан иборат, - дейди "Уйжойжамгармабанк"нинг Зарафшон филиали бошқарувчиси Мухиддин Болтаев. - Кредит сўраб мурожаат қилган яқна тадбиркор Элбек Мирзаевга 4 миллион қарз берилди. Ҳозирда у турли хил музқаймоқлар ишлаб чиқариб, шаҳримиз аҳолисига намунали хизмат кўрсатиб келмоқда. Сув қувурларини "Сувқурилиш" таъмирловчи банктан 20 мил-лион сум кредит олиб, иш юритмоқда. Шу йилнинг ўтган даври мўайинида ҳаммаси бўлиб 266 миллион сум кредит миқозларга ажратилди. Вазирилар Маҳкамасининг "Нақд пул маблағлари эмиссиясини қисқартриш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ҳамда "Нақд пул муомаласини мустаҳкамлаш ва тижорат банклари масъулиятини оширишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига асосан нақд пул тушумини қўпайтириш, эмиссия даражасини қисқартриш мақсадида ва банк қасасидан муомалага чиқариш нақд пул маблағини ўз вақтида қайтарилиши учун бир қатор ишлар амалга оширилди.

Жамоатимизнинг катта қисмини ёшлар ташкил этади, - дейди фикрини давом эттириб М.Болтаев. - Уларнинг касбий ма-лакасини оширишимиз, мамлакатимиз банк тизимида рўй бераётган ўзгаришлардан хабардор қилиб туришимиз. Банкча ташриф буюрган ҳар бир миқозга хушмуомалада бўлиш, изланув-чанлик уларга хос фазилат. Банк томонидан 10 га яқин омонат турлари жорий қилинган бўлиб, улар аҳоли томонидан қизи-қиш уйғотмоқда. Яқинда Навоий шаҳрида очилган мини-банк ҳам миқозлар учун катта қўлайликлар яратди. Ажратилган кре-дитларимизнинг самарали ишлаши учун доимий назорат ўрнат-ганимиз. Ходимларимиз томонидан миқозлар кредитни қандай мақсадга сарфлаётгани, ундан қанчалик самара кўраётганини аниқлаб бориш учун мониторинг текширишлари ўтказилиб ту-рилади. Банк жамоаси коммунал тўловларни йиғиб олишда ҳам ўзига хос йўл тутапти. Аҳоли гажув яшийдиган жойларда қўллаб қасалар очилган. Улар мунтазам равишда ишлаб турибди. Ми-қозларга қўлайлик яратиш мақсадида яқинда яна бир мини-банк ишга туширилади.

Улугбек ЖУМАЕВ, "Қишлоқ ҳаёти" муҳбири.

"ЎЗДОНМАҲСУЛОТ" ДАК КОРХОНАЛАРИ, ЖАМОА, ШИРКАТ, ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

"БАРАКА"

ишлаб чиқариш-тижорат фирмаси уруғлик бугдойни қаттиқ ва чангли қорақуя касалликларига қарши дорилашда юқори самара берувчи "Барака" номли препаратни харид қилишни таклиф этади.

Препарат Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамаси ҳузуридаги "Давлат кимё комиссия"си томонидан 2000 йил 25 августда № 50379 сон остида рўйхатга олинди, кўзланган мақсадларда ишлатишга рухсат этилган.

Препарат токсикологик зигена ҳулосасида кўра IV синфга мансуб. Ўзбекистон Республикаси "Давлат кимё комиссия"сининг 2002 йил 25 августдаги № 01-15-28-35-сонли "Баённома"сига асосан хўжаликларда, фуқароларга ажратилган ерларга экиладиган уруғлик бугдойни қаттиқ ва чангли қорақуя касалликларига қарши жойларда "Барака" препаратини қўллаб дорилашга рухсат берилган.

Препаратнинг 1 тонна уруғлик бугдойга сарф меъёри 0,4 килограмм. 1 килограмм препаратнинг нархи 10 миң сум.

Харид қилинган препаратта сифат "Сертификати" берилди.

ФИРМА МАНЗИЛГОҲИ: ТОШКЕНТ Ш., МУХТОР АШРАФИЙ КЎЧАСИ, 108А-УЙ. ГРУЧ ЗАВОДИ БЕКАТИ. ТЕЛ.: 93-00-10, 182-76-19.

(Давоми. Боши ўтган сонларда)

Шу тахлитда Абдуллажон кўпгина атоқли шоирларни ўзига ром қилиб олабдиларди. Яна бир воқеа эсимга тушади. Қайси бир йили Москвада Ўзбекистон уюшмасидаги ўзбек адабиёти бўйича комиссияда ёш ёзувчиларнинг ижоди муҳокама қилинади...

шимиз керак. Кимдир "яна бир оз кутайлик, келиб қолишар" деди. Яна кутдик. Ниҳоят, бир маҳал гира-ширада ўрмон ичида олдинма-кетин келаётган уч ўртоқнинг қораси кўринди.

Билас, улар маҳаллий йигитларга дуч келишти. Бу ерга хориждан кўп одам келиб туради экан. Маҳаллий йигитлар улар билан муоамала қилиб, баъзида ҳар хил хориждан матоҳларни арзон-гаров сотиб олишар экан. Улар Умаралидан "кимсизлар?" деб сўрапти. Табиийки, Умарали ёлғиз жавоб беролмапти. Шундан кейин ўткир гапга аралашди, Умаралини Комбоджа ёзувчиси, ўзини Таиланд адиби, Абдуллаи эса Вьетнам шоири деб та...

нинг устига Қайсин Қулиев ўша даврдаги москваликлар ичида ўзбек тилини мукамал биладиган, унда бемалол гапириб ўқи оладиган ёғона одам эди. У Абдулланинг шеърларини ўзбек тилида ўқиб, уларга жуда юксак баҳо берди, Абдулла тўғрисида кейинчалик бир неча марта мақолалар ҳам ёзди ва хатто адашмасам, Москвада чиққан бир тўпламга сўзбоши ҳам ёзди берди. Бу ёш ўзбек шоири учун жуда катта шараф эди. Чунки Қайсин Қулиев нафақат доғи жаҳонга таралган жуда ҳалол, жуда мард, ўз халқига ўта содиқ, ундан айри яшайдан кўра, ҳар қандай сурғун машаққатларини чекишга тайёр одам эди.

тилади. Шунда баъзи бир ижодий ишларини тўғрилаш учун Москвага келди. У пайтларда сийсий айбдор ҳисобланадиган одамлар Москвадан юз чакирим нарида яшомоклари, Москвага қандам изи қилмасликларини керак эди. Қайсинни урушдан олдинги пайтлардан бери яхши танийдиган уюшма раиси Фадеев жуда каттиқ елиб-югуриб, унга Москвада туришга икозат олиб берди. Аммо шоир бунга ҳам кўнмапти. Шоир халқ билан тирик. Мен халқим билан яшайман. Шундай деб у Қирғизистонга буюрди ва Сталин каттагонларига жаҳам берилгунча ўша ерда яшайди. Ана шундай покиза ва олижаноб

Озод ШАРОФИДДИНОВ, Ўзбекистон Кахрамони.

SPORT O'LAMIDA

ПЕШҚАДАМ МАГЛУБИЯТГА УЧРАДИ

Бундан уч кун аввал ўтказилган мамлакат XII миллий чемпионатининг кечиктирилган 18-тури натижаси мутахассислар мухлисларни ҳайратда қолдирди. Ўз майдонларида мамлакатимизнинг етакчи жамоаси Тошкентнинг "Пахтакор" футболчиларини қабул қилган "Сурхон" жамоасининг чарм тўп усталари қўлланмаган пешқадамга муносиб қаршилиқ кўрсатиб, хатто ғалаба қозонишди ва муҳим уч очкони қўлга киритишди.

Авалло шуни таъкидлаш жоизки, шу кунгача бирон марта маглубият аламини тотиб кўрмаган "пахтакор"чиларнинг "Сурхон"га энглишишни ҳеч ким қутмаганди. Лекин ўтган йилги мавсумда ҳам тошкентликлар жамоаси айнан "Сурхон" футболчиларига уч очко ҳада этишганини ҳисобга оладиган бўлсақ, натижа тасодиф эмаслигини, ақинча "Сурхон" "Пахтакор"га "ноқулай" рақиб эклигини тушуниш мумкин. Шу боис ҳам учрашув асосан тенг қурашлар остида ўтди. Гоҳ у дарвоза, гоҳ бу дарвоза олдига ҳавфли вазиятлар содир бўла бошлади. Лекин "майдон текис, тўп юмалоқ" деганларидек, шу кун омад мезбонлар тарафидан бўлди. Аккематов томонидан меҳмонлар дарвозасига йўлланган чиройли ва яғона гол ўйин охиригача ўзгармай қолди.

БОКСЧИМИЗНИНГ ЙИГИРМА БИРИНЧИ ҒАЛАБАСИ

Кунги кеча АҚШдан хушхабар келди. Бир неча йиллардан бери океанorti мамлакатидега профессионал бокс билан шуғулланаётган ҳамюртимиз Қувончбек Тайғанбоев навбатдаги рейтинг жангини ўтказди. Мексикалик чарм қўлқон устаси Франсиско Мендес билан рейтинг жанги уюштирган ҳамюртимизга рақибини енгиш кийин кечмади. Бор-йўғи икки раунд давом этган ушбу жангда Франсиско Мендес Тайғанбоевнинг қучли зарбаси оқибатида ноқуат ҳолатига тушиб қолди.

ЖАҲОН КУБОГИДА ИШТИРОК ЭТАДИ

Эркакларнинг сеvimли спорт тури бўлмиш чавандозлик бўйича кейинги йилларда қўлпаб турнирлар уюштирилаётганлиги қувонарли ҳождир.

Авал хабар берганимиздек, Наманган шаҳрида ол спорт бўйича Жаҳон кубогини доирасида саралаш мусобақалари бўлиб ўтди. Муросасиз беллашувларда мамлакатимиз шарафини "Пейком" лақабли отида Файрат Назаров, "Трум" лақабли отида Анна Лигас ҳимоя қилди. Кўпгина моҳир чавандозлар иштирок этган ушбу нуфузли турнирда омад Файратга қўлиб бокди. Ва голибликни қўлга киритгани чавандозимиз Жаҳон кубогини баҳсларида қатнашиш ҳуқуқини берилди.

"ТАНКЧИ" - ФОЛИБ

Авал хабар берганимиздек, Мирзо Улуғбек номили Ўзбекистон Миллий Университетининг спорт мажмуида кўл тўпи бўйича эркаклар ўртасида "Мустақиллик кубогини" мусобақалари уюштирилди.

Унда голиблик учун сақиз жамоаси кенес кураш олиб борди. "Самарқанд"ни 40:14, "Ешлик"ни 46:22, "Бухоро"ни 42:14, "Университет"ни 44:18 ҳисобларда маглуб эти олган Чирчиқнинг "Танкичи" жамоаси "Мустақиллик кубогини" голиблигини қўлга киритди. Турнир ақунда кубок соҳибига соврин ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

Имомали УЛФАТОВ

"ИНТЕР" ПЕШҚАДАМ

Сешанба ва чоршанба кунлари Европа чемпионлар лигасининг навбатдаги тур учрашувлари бўлиб ўтди. "В" гуруҳи вакиллари - Миланининг "Интер" ҳамда Киевнинг "Динамо" жамоалари ўртасида кечган бахс турнинг энг марказий учрашувларидан бири сифатида қараланди.

Дарҳақиқат, баъс анча қизиқарли бошланди. Ўйнинг 22-дақиқасида "Интер" ҳимоясиси Даниэл Аданининг Шовковский томонидан қайтарилган тўпни дарвоза томон зарб билан йўлаши мезбонларни ҳисобга олдинга олиб чиқди. Шундан сўнг киевликлар фақатгина кўжумга эътибор беришди ва ўйнинг 34-дақиқасида "Интер" дарвозабони Франческо Толдонинг хатогга йўл қўйиши тўғрисида Сергей Федоровнинг ҳисобни тенглаштириши жамоани қарақт аҳволга солиб қўйди. Танаффусдан сўнг жамоалар қанча ўз беришмасин, ҳисобда олдинга чиқиб олишнинг илжонини топширди. Ўйин дауран билан яқун топдагидек эди, бирок қўшимча вақтда захирадан майдонга тушган форвард Кристиан Вьери "Интер"га ғалаба келтирган тўпни киритиб, жамоасининг зафарини таъминлади. Ҳисоб 2:1 ва "Интер" гуруҳга яғона пешқадам. Гуруҳнинг бошқа вакиллари - Москвининг "Локомотив" ҳамда Лондоннинг "Арсенал" жамоалари ўртасида кечган бахс эса тенгқурашлар остида яқунланди ва ўйинда дарвозалар дахлсизлиги сақлаб қолинди.

Турнинг қолган учрашувлари эса қуйидагича яқунланди: "Бавария" - "Андалехт" - 1:1, "Сельтик" - "Олимпик" - 2:0, "Олимпикос" - "Ювентус" - 1:2, "Галатасарай" - "Реал Соседад" - 1:2.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.



Тошкент шаҳар Шайхонтохур туман давлат солиқ инспекцияси томонидан 2003 йил 9 февралда Иргашев Ровшан Хасановичга берилган № 68201 дан № 68250 гача бўлган чек дафтарчаси йўқолишини сабабли бекор қилинди.

Тошкент шаҳар Юнусобод туман ИИБ томонидан "Мусабота" қўрилиш-шўба корхонасига берилган думалоқ мўжр йўқолишини сабабли бекор қилинди.

"Қишлоқ ҳаёти" газетаси ижодий жамоаси Бош муҳаррири уринбосари С.Сайдалиевга отаси Жўрахўжа ОТАНИНГ вафоти муносабати билан чўқур таъзия изҳор этади.

Ўзбек Давлат цирки жамоаси цирк бош директори Баҳром Маждиловга волидан мухтарамаси ШАРИФА АЯНИНГ вафоти муносабати билан чўқур ҳамдардлик билдиради.

МУВАШШАҶ

ништирипти. Ўша кезларда Вьетнам Америка империализми томонидан ноҳақ эзилган деб ҳисобланарди. Биз Вьетнам билан дўст эдик, унга ҳар томонлама ёрдам берардик. Маҳаллий йигитлар ҳам Вьетнамга хайрихоҳ экан. Жуда хурсанд бўлиб кетишти. Абдулла, у билан қўша Умарали ва Ўткирни ҳам кўриб, уларни роса сийлаштипти, рўчасига меҳмон қилиштипти, яъни шўрбалик, картошка, лиёз, қора нопил билан бирга ароқ қўйиштипти. "Ичмаймиз" дейишганига қўлоқ ҳам солинмапти. Хатто ҳаминша сўли бўлиб юрадиган Умаралининг ҳам оғзидан қўйгандай қилиб ичириштипти.

Биз бу ерда хавотир олиб, оёғи қўлган товудек у ёқдан бу ёққа изиб уларни қидириб юрганимизда, улар совет-вьетнам, камбоджа ва таиланд дўстлигини мустақамлашга ана шундай ҳисса қўйиб билан банд экан. Ниҳоят, эртасига Ўзбекистон уюшмасида мажлисимиз бошланди. Мирзиқул Қодиров ўша кезларда Москвада ўзбек адабиёти бўйича маслаҳатчи бўлиб ишлайдиган. Бу йигини уюштиришда ҳам асосий жонбозликни ўчун қўша ҳаммаси руҳсат берилди. Ярим соатдан кейин ҳамма йиғилди, бирок Абдуллажон, Умарали ва Ўткирдан дарак йўқ эди. Яна ярим соат ўтди. Улар ҳамон йўқ эди. Хавотир ола бошладик. Гарчи улар уч киши бўлишса-да, ҳар қалай беғона жой. Бир соат ўтди, хавотиримиз энг сўнгги нуктага өтди. Миллицияга хабар қилишимиз ҳам, қилмаслигимиз ҳам билмаймиз. Бунинг устига қоронги тушиб борарти. Москвагача ҳам анча йўл боси-

Бир турк шоирининг ватан тўғрисида бир байт шеъри бор эди: "кимлардир ватан тўғрисида гап сотади, кимлардир ватан учун бошини тикади!" Қайсин Қулиев шу кейинги томғага мансуб эди. Гапларим қуруқ бўлмасин учун Қайсин Қулиев ҳаётидан бир эпизод келтирайман. Қайсин Қулиев ўруш бошидан сўнг икки йилдан кўра кўра равишда фронтга кетади ва жангларда қаттиқ ярадор бўлиб, госпиталга тушади. Бу ерда ётганда бир қанча шимоллий Кавказ халқларини, шу жумладан, Қайсиннинг она халқини балқарларни ҳам гўё фашистар билан ҳамкорлик қилганлари учун Ўрта Осиёга ялли бадарга қилишади.

Бир кунги Қайсин Қулиев палатада танасидаги жароҳатлардан кўра, халқининг бошига ёғилган кунфалардан азоб чекиб ётар экан, унинг палатасига ўзи хизмат қилган ҳарбий қисмининг генерали кириб келади. У Қайсин Қулиев билан ҳолаҳол сўрашган, тантанали оҳангда эълон қилади: "Ватан шарафини мардона ҳимоя қилиб, жасорат билан жанг қилганнингиз учун сиз жанговар орден билан мукофотландингиз. Орденини топширишга руҳсат этгайсиз. Лекин генералнинг ордени ушлаган қўли хавофа муаллақ қолди. Қайсин Қулиев шикаста овозда жавоб берди: "Мен бу орденини ололмайман. Мен сийсий айблар билан қувгин қилинган балқар миллатига мансубман. Қайсин Қулиев госпиталдан чиққандан сўнг ҳарбий хизматдан бўша-

ТУВА КЕНГЛИКЛАРИДА

Адамасам, 1976 йилнинг август ойида Красноярскда совет адабиёти кўнлари ўтказилди. Унга Ўзбекистондан тўрт киши - мен, Шўҳрат ака, Абдуллажон ва қоракўлоқ шоири Кенесбой Раҳмонов юборилган эди. 10 кун давомида Сибирдан айриқ қуришлар билан танишдик, қишлоқ жойларда бўлдик, Сибир ўрмонларининг беҳиёс гўзаллиги билан ошно бўлдик ва ҳар қайсиси чўмчўқнинг болосидек келадиган Сибир чивинлари нақадар "жоннинг роҳати" эканини амалда далил олдик. Бундай сафарлар ҳарчанд мароқли бўлмасин, бирор ҳафта ўтиши билан ўзини кўмсак қоласан. Биз ҳам сафаримиз охирида ҳам сари, унинг тўғашини қўтиб чамадонларимизни йиғиштириш бошлаган эдик. Бирок бундай кўнларни уюштирувчи Таригот биросининг вакили Лариса Жарова шаштимизни қайтарди: "Бекорга отланаясизлар, сизлар ҳали Тувага боришларинг керак. -Қанақа Тува? Бу тўғрида ҳеч қанақа гап бўлгани йўқ эди-ку? Шу 10 куннинг ўзидедек бўларимиз бўлиб бўлди. Уйга кетмасок бўлмайди. -Тувада ўзбек адабиёти кўнлари ўтмоғи керак. Туваликлар қўтиб ётиштипти. Ҳамма тайёргарлик қўриб қўйилган. Афишалар чиқарилган. Бормасок бўлмайди. Биз ўз вақтида Тошкентга хабар қилганимиз. Тувага боришдан ўзга илжол қолмади. Бу ишдан бошида хабар топ-

ЭССЕ

Маҳлиблик билан назар ташласа, уларнинг қон айланиш тизимларида нуқсонлик бўлмайди, қон босими ахшиланайди. Англиялик руҳият билимдонни, шифокор Женифер Хугес икки мингдан ортиқ саратон касаллигини (хавфли ўсма, рақ) билан оғриган беморларнинг касаллик тарихини обдон, ҳар томонлама ўрганиб чиқиб бу оғир ва хавфли дардинг келиб чиқиши ҳоваси билан узвий боғлиқ эканлигини аниқлади. Шу тўғрисида ҳам профессор Хугес барча ноқуш холатларга, изтиробли давларга, фожиаларга, асаб қўзғатувчи омилларга илжои борича босиқлик қилиш, беҳуда азиятларга берилмасликка чақиради.

Маннон НАБИЕВ тайёрлади.

БОШҚОТИРМА

Table with 4 columns and 10 rows containing a word search puzzle. Words are hidden in the grid and some are already filled in.

А.ХУҶАЕВ тайёрлади.

ҚЎҚОН БУЛБУЛИ

(Боши 1-бетда)



Кексалик чоғимда театри ва театр санъаткорларини энтиқиб соғинаман. Фарзандларим театрга олиб бориб туради. Шогирдларим, театр жамоаси мени ҳар вақт эъзозлашади. Театр сахнасида, санъат соҳасида 45 йилдан ортиқ ижодий фаолият кўрсатдим. "Бой ила хизматчи"да Раҳима хола, "Муқимий"да Рисолат чевар, "Кўёшнинг омонати"да Тўти, "Дўст нидоси"даги Раёно, "Адашган соҳибжамол"да Чарос каби 30 дан ортиқ театр асарларида турли образлар яратдим. "Ўзбекфильм"да суратга олинган "Ўтган кўнлар", "Зулматни тарқати", "Оталар васияти" фильмларида суратга тушдим. Хурсонди Қодирова, Муборакжон Акрамова, Гулнора Тошпўлатова, Салима Тошматовва сингари 30 дан ортиқ шогирдларим бор, улар ҳаётимнинг изи... Беш фарзандим, 16 неварам, беш эварам бағримда,

комати бут. Мавжудҳонга катта раҳмат. Келин эмас, қизимдек мени парваришлайди. Олгани олтин бўлсин. "Омон ёр" фольклор дастаси 1981 йили сиз етакчилигингизда ташкил этилган эди. Дастанинг шу кунги фаолияти сусайгандек, чоғи. "Омон ёр" фольклор дастасининг ижодий фаолияти айни кунда суист. Театр, маданият уйи қошидаги дасталар ривожига қийим, сафар харажати, маош ва санъаткорларни рағбатлантириш каби иқтисодий муаммолар сўзга бўлмоқда. Республика Ҳамза номили санъатшунослик илмий-тадқиқот олийгоҳининг фольклор бўлими мутахассислари, Фарғона вилоят маданият раҳбарлари "уйку"дан сийғонса яхши бўлар эди. Вилоят маданият бошқармаси томонидан туман ва шаҳар маданият уйи қошидаги дасталарнинг истеъдодлари қувватланса, "Омон ёр" халқ терма фольклор дастаси ҳам эътиборга олинса - миллий санъат, фольклор санъати ривож толар эди... "Қишлоқ ҳаёти" газетасининг асл жонқуяр муштарийларига сизнинг тилақларингиз. Ҳар бир юртдошларимизнинг боши тўйдан, аяши ва қувончли кунлардан чиқмасин. Дастурхони бут, хонадондан файз аримасин. Газета орқали юз қиришганимиздан чекис миннатдориман. Сўхбатдош: Мухтор СУЛАЙМОНОВ

«КЎКИ»ДАН СЎРАДИ

Яқинда бир танишим (болалар ўйининг директори) айтиб қолди: "Мустақиллик байрами арафасида тарбияланувчилар учун совға қилиб фалончи хофизни чақирган, - деди у таниқли санъаткорлардан бирининг номи айтиб. - Бирок ўзи ёш бўлсам, "қаттиқ ёнғок" экан, чақолмадик... "Ставкам "бирров"га беш юз "кўк"и, агар "дежур"га бўлса, икки юмалоқдан камига бормайман", дебди у вақилимизга. Нимаям қилардик, чор-ночор ўртамеъна қўшиқчи топиб, болаларга концерт қўлиб бердик. Емон бўлгани йўқ... Фақат, ўша йигитнинг ҳаёти биргина моддий бойлик билан ўлчани менга қаттиқ таъсир қилди. Ахир, меҳр-оқибат, хайр-саховат, деган гаплар ҳам бор эди-ку бу дунёда...

Танишимнинг жон қуйдириб сўзлашлари менга бироз малол келди. Ичимда ўйладим: "Ҳа, энди, ҳаёт шунга мажбур қилгандирки, у ҳам ўз дардини очик-ойдин айтган... Нимаям деймиз, буям ҳаётнинг аччиқ қонуниятларидан бири. Хофиз йигитнинг ҳам оиласи бор, ёнидаги шериклари, ёрдамчилари... Уларга ҳам маош тўлаши керак, устига-устак, ўзини "қўшиқчи шоирман" деган мардум борки, бир шеър учун йўқ деганда "кўки"дан сўрайди. Кейин мусика басталаганча, оранжировкачига, овоз кучайтиргичга, чироқ безаклари ва яна алламбало эгаларига ҳам озгинадан қис-

МУЛОҲАЗА

тирмаса бўлмайди. Шу-унча харажатга туршган бечора хофиз ҳам бирон-бир наф қўриши керак-ку! Шуларни ўйладим-у, яна фикрга толдим. Тўғри, ҳаётнинг қонунилари аччиқ. Бирок "Тақдир шу экан..." деб инсонийлик, меҳр-оқибат тўйгуларини ҳам унуттиш бизнинг (айнан бизнинг!) менталитетимиз учун хоҳмасан? Ахир биз ота ҳам, она ҳам бизнес бўлган Америкада яшамаяпмиз-ку!

Тўқликка шўхлик, бўлган сари "яна бўлсин, кўп-кўп бўлсин" дейиш нега керак? Одамнинг қорни бир бурда нонга ҳам тўяди, бир лаган ошиман "кўрдим", демаслиги мумкин. Ахир, халқимиз "баракасини берсин", деган пурмаъно ҳикмати беҳиз айтмайди-ку... Агар шу хонада "майли, химматларинг, кўнгулдан чиқариб берсангиз бас", деса, қим ҳам уни норизо қайтарарди. Қуруқ қайтган тақдирда ҳам ота-она меҳридан мосуво, оқибат ва саховат бағрида умр ўтказаятган болаларнинг олқиши дуосини олмасмиди? Ахир, умримизнинг ўлчови ҳам яхшилик, яхшилик ва яна яхшилик қилиш эмасми?

Мақолага нукта қўяр чоғимда ўша, танишим айтиб берган хофиз йигитнинг тижорат радиожаналаридан бирига берган интервьюсини тинглаб қолдим. "Дунёда яхшилик қилишимиз керак, - дерди у сокин оҳангда. - Мен ҳеч қачон пулнинг бетига қарамаганман... Агар камбағалроқ одам бўлса, доим айтман, "асобларнинг пулини тўлашга етадиган микдорда берсангиз бас, ўзим учун ҳеч нима керакмас, сиз хурсанд бўлсангиз бўлди, ака..."

Ҳасан ТОШХҶАЕВ

Advertisement section containing contact information for 'Boш muхаррир' (Head Editor), 'МУАССИСЛАР' (Associations), 'ТЕЛЕФОНЛАР' (Phone numbers), 'ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ' (Regional Correspondents), 'Реклама ва эълонлар бўлими' (Advertising and Announcements), 'МАНЗИЛИМИЗ' (Our Address), and 'Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жавобгар' (Responsible for advertising and announcements text).

Footer section containing publication details: 'Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси томонидан 2002 йил 18 февралда № 00694-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.', 'Газета сешанба, пайшанба, жума кунлари чиқади', 'Буюртма G-821, ҳажми 2 босма табоқ.', 'Офсет усулида босилди, Көгиз бичими А-2.', 'Босишга топширилди вақти: 21.00. Босишга топширилди:', 'Газета тахририятнинг ўзига компьютерда терилди ва саҳифаланди.', '«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-й.', '1 2 3 4 5 6'